

КИТОБ – ЮҚСАК МАҲНАВИЯТ МАНБАИ

Ўзбекистон Республика-сининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев ёш авлод таълим-тарбиясида китобнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Жумладан, “Айни вактда ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишига бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст булишига, аҳолининг китобхонлик савиасини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим булади”, дея айтган фикрлари эртамиз эгаларини комил инсон қилиб вояга етказиш йўлидаги ғамхурликтининг яқъол ифодасидир.

МАЪРИФАТ

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишинган тантанали маросимдаги маъруzasида ҳам алоҳида тўхтатгани юртдошларимиз томонидан катта



мамнуният билан кутиб олинди.

Бинобарин, мамлакатимизда истиқлол йилларида навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбидаги Ватанга садоқат, қадриятларга чукур

хурмат туйғусини сингдиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Бугун юртимизнинг энг чекка худудларida ҳам кад ростлаган муҳташам ўкув масканлари, замонавий технологиялар ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз тақдирда қанчалик мухим ўрин

тутса, китобга дўст булиш, мутолаага ошно тутиниш ҳам шу қадар долзарбdir. Шу боис ҳар қандай даврда китобнинг мавкеи йуқолмайди, аксинча, ортиб бораверади.

(Давоми 2-бетда).



КИТОБ – ЮКСАК МАЪНАВИЯТ МАНБАИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тарихий манбалардан маълумки, Абу Али ибн Сино ўн беш ёшидаёк илм-фан соҳасида доворук қозонган, Амир Темур саркарда сифатида та-нилганда ҳали ўттизга ҳам кирмаган эди. Мирзо Улугбек ўз даврининг етук олими сифатида обрў-эътиборга эришанида ўн беш ёшда бўлса, шоирлар султони Алишер Навоий Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини ўқишига киришганида, атиги олти-етти ёшлардаги бола бўлган.

Улуғ бобокалонларимизнинг таржими ҳолига оид бундай ҳайратомуз хислатлар ҳар биримизга ифтихор баҳш этиши, шубҳасиз. Табиийки, уларнинг бу даражага эришишида имму маърифат, китобга бўлган муҳаббати бекиёс роль йўнаган.

2011 йили пойтахтимизда шаҳар-созлик маданиятининг ноёб намунаси — "Маърифат маркази" бунёд этилиб, ундан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг жой олиши буюк мутафаккир бобомизга бугунги авлодларнинг юксак эҳтироми намунаси бўлди. Марказий Осиёдаги энг йирик ахборот ва маданият маркази бўлган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ушбу интеллектуал бойликнинг ноёб хазинасидир.

2012 йил 20 мартағи "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиши чоратадирилари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, кутубхона тузиласи янгиланди, унинг бўлимлари ва хизмат кўрса-

тиш иши токомиллаштирилиб, вазифалар кўлами кенгайтирилди.

Кутубхонада жаҳон талабларига жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими, нашриётматбаа ҳамда нусха кўчириш ускуналари ўрнатилган. Интерактив китоб курилмасидаги электрон саҳифани вараклаш учун мониторга бармоқ билан таъсир этиш кифоя. Шу тарзда сенсорли киоск орқали мазкур кутубхона, қадимий шаҳарларимиз ва улуғ алломаларимиз хаёти ҳақида маълумот олиш, китобга буюртма бериш мумкин.

Кутубхона музейида ноёб кўлёзма ва тошбосма асрлар фондидан на-муналар намойишга кўйилган. Алишер Навоийнинг "Хамса", "Мухокамат ул-лугатайн", "Маҳбуб ул-кулуб", "Лисон ут-тайр" асрлари, "Девон"ининг хаттотлар томонидан кўчирилган кўлёзмалари шулар жумласидандир.

Кутубхонанинг болалар хонасида эти ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун турли ўйинчоқлар, аквариум, ўкув куроллари, эртак китоблар мавжуд. Ота-оналар мутолаа қилгунча, бу ерда болаларга қараб турилади. Кинозалда мустакиллик йилларида ҳалқимиз эришган ютуклар, улуғ алломаларимиз, қадимий шаҳарларимиз ҳақида ги кинофильмлар намойиш этилмокда.

Бинода бепул Wi-Fi тизими ишлаб



турибди. Ҳар куни мингдан ортиқ киши бу ерда глобал ахборот тармомидан фойдаланмокда.

Бугунги кунда кутубхона фонди қарийб 7 миллион нусхани ташкил этади. Ўтган вақт мобайнида у салкам 350 минг электрон нусхадаги янги адабиётлар билан бойитилди. Бу ерда тўплangan алоҳида қимматга эга китоблар, нодир кўлёзмалар, қадимий нашрлар кутубхонанинг бебаҳо хизинаси хисобланади. Фондда буюк мутафаккирларимизнинг XI ва ундан кейинги асрларга оид кўлёзмалари, XVI — XIX асрларда дунёning кўплаб тилларида чоп этилган китоблар сакланмоқда.

Хәётимизнинг барча жабхасида кенг қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари кутубхона фондаланувчилари учун ҳам бекиёс имкониятлар яратмоқда. Уларнинг эҳтиёжи ва ҳалқаро тажриба хисобга олинган ҳолда, ўкув заллари ҳар то-монлама токомиллаштирилди. Фонд-

нинг электрон шаклга ўтказилган қисмидан фойдаланиш имконини берадиган электрон кутубхонанинг ихтинослаштирилган зали, матн, овоз, графика ва тасвиirlарни акс эттирадиган мультимедиа технологиялари зали ташкил этилди. Интерактив маълумотхона панели ва дўконлари ўкув залларининг жойлашуви, муайян китоб, келган янги адабиётлар, таклиф этиладиган хизматлар ҳақида зарур маълумотларни мустақил ҳамда тез топиш имконини беради.

Миллий кутубхона таркибидан Республика йиғма электрон каталог маркази жой олган. Шу асосда мамлакатимизнинг электрон кутубхонага эга ҳар бир ахборот-кутубхона муассасасида қандай адабиётлар мавжудлигини билиб олиш имконини берадиган маълумотларни таҳсиллаш базаси яратилмоқда.

Илм — нур, китоб — мӯъжиза, мутолаа — ҳайрат. Шунинг учун бўлса керак, пойтахтимиз марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам имгла интилувчан ёшлар билан ҳар доим гавжум. Бу ерда ўтказиладиган турли маърифий тадбирлар улар қалбида мутолаага бўлган қизиқишини янада кучайтириша хизмат қилмоқда.

Бинобарин, китоб мутолаасига қаратилаётган эътибор миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиши билан алоҳида кадрлидир.

Максад ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.